

Инглиз техник терминологиясини ўзбек тилига таржима қилишнинг назарий ва амалий масалалари

Абдуллаева Фотима Бахрамовна

Жиззах давлат педагогика институти

Бир мамлакатда фан ва техника соҳасида эришилган ютуқ ёки қилинган илмий кашфиёт шу ҳудуд доирасида қолиб кетмай, сарҳадлар оша бошқа бир миллат вакиллари томонидан ўзлаштирилади, ўрганилади. Бунда эса тил ва таржима биринчи даражали восита сифатида майдонга чиқади. Бошқача қилиб айтганда, ҳар қандай таржимани, хусусан, инглиз илмий-техник адабиёти таржимасини ҳам ахборот алмашинуви, воқеликни англаш ва унга таъсир кўрсатиш зарурати келтириб чиқаради. Абу Райҳон Беруний таъбири билан айтганда, «Илм-фан кишиларнинг ҳаётий эҳтиёжларини қондириш заруратидан пайдо бўлади».

Мамлакатимизда ҳам бу масала истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ давлат даражасига кўтарилиб улгурган эди ва ҳозирги кунда фан-техника, таълимни ривожлантиришнинг асосий мезони сифатида баҳоланиб келмоқда. Бу ҳақда биринчи Президентимиз И.А.Каримов ўз нутқларида шундай деб таъкидлаб ўтган эдилар: «Бир нарса равшан – ишчилар ва инженер-техник кадрлар тайёрлашнинг таркиб топган ситемасини тубдан янгилаш талаб қилинади...»¹.

Шунингдек, Президент айнан шу масалада «Республика учун илмий кадрлар тайёрлашни кенгайтириш тўғрисида»ги нутқларида фикрларини давом эттириб шундай деб ўтадилар, «Ёшларни замонавий фан-техниканинг, умуман илм-фаннинг ютуқларидан баҳраманд қилмасдан туриб, уларга юқори малакали ихтисос эгалари бўлиб етишишига шароит туғдирмай туриб,

¹ «Ўқитувчилар газетаси»нинг 1989 йил 25 ноябрь сонидан чоп этилган нутқдан.

биз республикамиз халқ хўжалигини, саноат ишлаб чиқариши соҳаларини тубдан ўзгартира олмаймиз...»².

Демак, жамият ривожини бир томондан бевосита тилга, айниқса, таржимачиликка таянадиган паллада турибмиз. Чунки, айнан таржима жараёнида, унинг асосида ахборот алмашинуви, ўзаро ҳамкорлик, коммуникация юзага келади ёки ўзбек халқида мавжуд бўлмаган муайян тушунча ном олади ва қўлланила бошлайди.

Фикримизнинг исботи ўрнида Э.Ф. Скороходьконинг, «Илмий-техник адабиёт таржимаси тилшунослик ва фан-техника ўртасидаги чегара соҳага тегишлидир»³ деб айтилган иқтибосини келтирмоқчи бўлган бўлишимиз топдир.

Техниканинг гуркираб ривожланиши ва илмий-техник ахборотнинг кенгайиши муносабати билан илмий-техник таржиманинг амалий аҳамияти ҳам ошди. Илмий-техник адабиёт таржимасига бағишланган ишларнинг ва техник таржимадан ўқув қўлланмаларнинг етишмаслиги, жумладан, инглиз ва ўзбек тилларининг специфик хусусиятлари (яъни, инглиз-ўзбек ва ўзбек-инглиз тиллари грамматик, стилистик, лексик қонуниятлари инобатга олиниб) яратилганларига бўлган эҳтиёж бугунги кунда бирдек умумий тилшунослик олдига ҳам, ва, шунингдек, таржима назарияси ва амалиёти олдига ҳам мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш вазифасини қўймоқда.

Академик В.В. Виноградов шундай деган: «Термин ва терминология муаммоси умумий тилшунослик назариясига киради. Термин тушунчасини уқиб олиш билан боғлиқ бўлган барча нарсалар лингвистикани илмий билишнинг ҳар хил соҳалари билангина эмас, балки ишлаб чиқариш амалиёти, профессионал меҳнатнинг турли-туман соҳалари билан ҳам яқинлаштиради. Ҳар ҳолда, бу ерда тил тараққиёти, унинг лексик системасининг халқнинг моддий ва маънавий тарихи билан алоқаси борлиги кўзга ташланади. Фан, маданият, ишлаб чиқариш фаолиятининг у ёки бу соҳаси терминология тарихи - шу билан бирга, табиат ва жамият тўғрисида билимларнинг ривожланиши ҳақида қиссадир. Шуниси аниқки, ҳар қандай

² «Ўқитувчилар газетаси»нинг 1990 йил 28 февраль сонидан чоп этилган нутқдан.

³ Скороходько Э.Ф. Вопросы перевода английской технической литературы, Киев, Изд. «КГУ», 1963, -Б. 3.

фаннинг тарихи муқаррар равишда шу соҳанинг тушунчалари ва терминлари тарихини ўз ичига олади»⁴.

Инглиз, рус тилларидан илмий-техник адабиётларни таржима қилиш – ўзбек тили илмий-техник терминологиясини шакллантириш ва бойитишнинг асосий ҳамда муҳим манбаларидан биридир. Чунки, айти таржима жараёнида ўзбек халқида мажуд бўлмаган илмий-техник тушунчаларни бирор тарзда ифодалаш масаласи ҳал бўлади: ё термин айнан ўзлаштирилади, ё янгидан термин ижод қилинади, ёҳуд ўзбек тилида мавжуд бўлган у ёки бу сўзга илмий-техник маъно юклатилади. Демак, масалани бирор тарзда ҳал этиш бевосита таржимонга боғлиқ бўлиб қолади. Айниқса, ҳали тегишли инглизча-ўзбекча илмий-техник луғатлар тузилмаган бир пайтда бу борада таржимоннинг масъулияти янада ошади. Негаки таржималарда ишлатилган термин муайян маънони тўғри ифодамай олса, у ўзбек тилининг морфо-грамматик қонунлари асосида тузилса, бу – биргина таржимоннинггина эмас, балки бутун бир терминологик системанинг ҳам ютуғи бўлиб чиқади. Бордию, таржимада қўлланган термин тушунчани нотўғри ифодаласа, ва у ўзбек тилининг морфо-грамматик қонунлари асосида ёритилмаган бўлса, бу – терминни истеъмол қилувчиларга жабр кўрсатишнинг энг олий намунаси бўлиб чиқади. Чунки, бир вақтлар кимнингдир томонидан муомалага киритиб юборилган нотўғри терминни тузатиш масаласи айрим вақтларда шундай чигаллашиб кетадики, пировардида, йўл қўйилган хатони тўғрилаш осонлик билан кўчмайди.

Айтилганлардан шундай хулосага келиш мумкин: у ёки бу терминологик тизимнинг пайдо бўлишида таржимон, муҳаррирларнинг роли ниҳоятда катта. Инглиз ва ўзбек тилларининг техник терминологик тизимлари ҳақида ҳам худди шундай дейиш мумкин.

Изданишларимиздан маълум бўлишича, илмий-техник адабиётлар (дарсликлар, қўлланмалар, маълумотномалар, ва ҳ.к.)ни ўзбек тилига таржима қилиш, асосан, 30-йиллардан бошланган. Шу вақтгача фан ва

⁴ Виноградов В.В. Вступительное слово. – «Вопросы терминологии (Материалы терминологического совещания)», Издательство АН, 1961, -Б. 6-7.

техника ҳақидаги маълумотлар газета ва журналларда, ёхуд илмий тўпламларда мақола тарзида бериб келинган.

Ҳозиргача ўзбек тили лексикографиясида 200 дан ортиқ терминологик луғат нашр этилган. Мавжуд диссертация, брошюра, китоб, мақолалар инглиз, ўзбек тиллари терминологиясининг назарий масалаларини ишлаб чиқиш борасида жиддий ишлар бўлса, терминологик луғатларнинг нашр этилиши бу масаланинг амалий ечими бўлиб ҳисобланади. Чунки терминологик луғатлар у ёки бу терминологик системаларни тартибга солиш, нормаллаштириш, бир хиллаштириш каби асосий талабларни амалий жиҳатдан ҳал қилиб беради.

Кўрсатиб ўтилган ишлар қаторида техникага оид ёки унинг бирор соҳасини монографик планда тадқиқ қилишга бағишланган иш йўқлиги сезилади. Айниқса бу борада инглиз илмий-техник адабиётини ўзбек тилига таржима қилиш бўйича махсус қўлланмаларнинг ишлаб чиқилмаганлиги ўзбек тили терминшунослигининг жиддий камчиликларидандир. Дарҳақиқат, инглиз илмий-техник терминологиясини ўзбек тилига таржима қилишнинг назарий ва амалий масалалари ҳозирча махсус ва монографик планда тадқиқ қилинмай келинмоқда. «Ишлаб чиқаришнинг суяк ва мускул системаси» бўлмиш фан ва техника, айниқса, ҳозирги кунда жуда тез ривожланиб бормоқда. Бу соҳадаги янгиликлар эса, биринчи галда, терминларда ўз ифодасини топади.

Фанда ҳар бир янги нуқтайи назар унинг илмий-техника терминларида инқилоб қилиб юборади. Химия, физика ва тиббиёт соҳаси бунга айниқса яхши мисолдир; химиянинг бутун терминологияси тахминан ҳар йигирма йилда тубдан ўзгариб туради. Илмий-техник терминологик система тўғрисида ҳам худди шундай дейиш мумкин. Бас шундай экан, у узлуксиз равишда тадқиқ қилиб борилиши лозим.

Ўзбек тилида чиқаётган таржима асарлар ва оригинал адабиётларда бу терминларнинг аксарияти ўз ифодасини топмоқда, албатта. Бироқ бу манбаларда инглизча ва русча илмий-техник терминлар шунчалик хилма-хил

ва турли-туман усуллар билан ифода қилинадик, натижада ўзбек тилининг илмий-техник терминологиясида синонимия, полисемия, омонимия каби лексик-семантик ҳодисалар жуда ҳам кенг илдиз отиб кетди; терминларни истаган шаклда ёзиш авж олди ва ҳоказо. Бундай жиддий хато ва камчиликларнинг содир бўлишига, биринчи навбатда, ўзбек тили илмий-техник терминологиясининг назарий масалалари бутунлай ишлаб чиқилмаганлиги, иккинчидан, илмий-техник терминологик луғатлар нашр этиш масаласига мутлақо эътибор берилмай қўйилганлигидадир. Техника бўйича инглизча-ўзбекча терминологик луғатлар тузиш иши эса мутлақо талабга жавоб бермайди. Шунинг учун ҳам терминологик тизимни илмий тадқиқ қилиш билан бирга турли-туман терминологик луғатлар тузиш ва таржимачилик ишини ҳам кенг йўлга қўймоқ керак.

Фан ва техниканинг яшин тезлигида ривожланиб бориши билан унинг тилга, тилшуносликка, хусусан, терминологияга қўядиган талаблари ҳам хос ҳолда ортиб боради. Айтиш керакки, у ёки бу терминологик система ҳар доим ҳам ўзига қўйилажак вазифаларни тўлақонли адо эта олмайди. Айнан шундай лисоний ҳодиса инглиз илмий-техник терминологиясини ўзбек тилига таржима қилишда ўзини яққол намоён этмоқда, яъни ўзбек тили илмий-техник терминологиясида мавжуд бир қатор камчиликлар, ва умуман, бу масаланинг таржима назарияси ва амалиёти нуқтаи назаридан тадқиқ этилмаганлиги натижаси ўлароқ, нафақат инглиз илмий-техник адабиёти, балки бошқа чет тили илмий-техник терминологияси ҳам воситачи тил бўлмиш рус тили орқали таржима қилиб келинмоқда. Оқибатда эса терминологияда ўзига хос тартибсизлик ҳукм сурмоқда.

Кейинги пайтларда қайси сўз туркумларини термин деб ҳисоблаш борасида мунозара юзага келди. Бу ҳол, ўз навбатида, таржима назарияси ва амалиётида янги термин яшаш, муқобил танлаш каби муаммоларнинг ҳал қилиниши талабини қўйиш билан бир қаторда, ўзи унинг қондирилишида биринчи даражали ғов сифатида тўсқинлик қилади. Алқисса, термин ва тушунча маънолари ўртасидаги муносабат, тушунчалар ўртасидаги

боғланиш, тушунчалар системаси, *отдан* бошқа айрим сўз туркумларининг ҳам термин бўла олиши ёхуд бўла олмаслиги, у ёки бу соҳалар терминологиясининг тарихи, муайян бир типдаги терминларининг пайдо бўлиб тилда қўллана бошлаши, илмий-техник терминологияни барпо қилиш, тартибга солиш, ўрганиш каби қатор муаммоларнинг ечими ишлаб чиқиладиган бир пайтда таржима назарияси ва амалиёти ҳам тилшуносликнинг ажралмас қисми сифатида ўз сўзини айтиши керак бўлади.

Юқорида билдирилган фикр-мулоҳаза ва ҳолатлар бугунги илм-фан ва, хусусан, тилшунослик учун техник терминология таржимасининг нечоғли муҳимлигини муайян даражада белгилайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. «Ўқитувчилар газетаси»нинг 1989 йил 25 ноябрь сонидан чоп этилган нутқдан.
2. «Ўқитувчилар газетаси»нинг 1990 йил 28 февраль сонидан чоп этилган нутқдан.
3. Виноградов В.В. Вступительное слово. – «Вопросы терминологии (Материалы терминологического совещания)», Издательство АН, 1961, -Б. 6-7.
4. Дониёров Р. Ўзбек тили техник терминологиясининг айрим масалалари. ЎзФАН, - Т., 1977.
5. Қосимов Н. Ўзбек тили илмий-техникавий терминология масалалари. - Т., 1982, 220 б.
6. Расулов И. Некоторые вопросы узбекской научно-технической терминологии. - Т., 1985.
7. Скороходько Э.Ф. Вопросы перевода английской технической литературы, Киев, Изд. «КГУ», 1963, -Б. 3.